

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

ОҚИШОМИ

Газета 1986 йил 1 июлда
чиқа бошлаган.

© № 213 (6. 104) © 1986 йил 16 сентябрь, сешанба Баҳоси 3 тийин

КПСС
XXVIII
СЪЕЗДИ

ИШ ВАҚТИНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Б. СОБИРОВ,

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль
трести 127-автокорхонасининг оғир юк ташувчи автомобиль
ҳайдовчилари бригадаси бошлиғи, ВЦСПСнинг Г. Титов
номли мукофоти лауреати

Автокорхонамизда Георгий Мезников кўп йиллар ҳайдовчилар бригадасига етакчилик қилди. У республикада биринчилардан бири бўлиб 20 тонналик контейнерларни ташини учун урта ярим принцили машинада ишни ташкил қилди. Янги метод юк ташишда паркидан фойдаланиш коэффициентини ошириш, машиналарнинг юксик қатнашини қисқартириш имконини берди.

23 та «МАЗ» ҳамда «КамАЗ» маркали автомобилга, қарийб 60 ярим принципга эга бўлган бригадани Георгийнинг таърифи бўғунда ҳам ёрдам берадиган. Ҳайдовчиларнинг барчаси ишга виждонан муносабатда бўлишди, техникани мукамал билишди, ўз маҳоратларини ошириб боришди. Барча ҳайди ишларимизнинг ташаббускорлари коммунист ва комсомоллар — ҳеч партия ташкилотининг секретари М. Саъдуллаев, КПСС аъзоси А. Хошимов, комсомоллар Р. Мухаммаджонов, Р. Муротхўжаев, А. Эшонқуллов ва бошқалар ҳисобланади.

Шунга қарамай натижаларимиз қанотлангирмапти. Меҳнатни ташкил этиш етарли даражада ташкил этилганлиги ишимизга ҳали кўп ҳақиқат берадиган. Масалан, Шумилов станциясида иш қилинган нимадан бошлаймиз? Бу ерга соат 8 да келамиз бир соат бекор кутамиз. Станция диспетчери эса соат 9 да келади, бизга контейнернинг номери қўйилган қорғонни беради ва унинг қайси ерда турганини таъинлаб кўрсатади. Ҳар бир ҳайдовчи контейнерни толишга ўртача 30 минутдан то 1 соатгача вақт сарфлайди. Баъзан эса мана бундай ҳоллар ҳам содир бўлади: контейнер топилади, лекин ундаги пломба ё бўзилган, ёки нормага мувофиқ бўлмайдиган.

Бу ёзилмаган қонда пудрат шартномасида назарда тутилмаган бўлса ҳам, кўп

йиллардан буён мавжуд. Шумилов станцияси раҳбарлиги ва автотранспорт корхонаси маъмурияти бу анъанани ўзгаришмаётган, натижада биз кўп вақт вақтмизни йўқотмоқдамиз. Ярим принципларга контейнерларни юклаш ҳам қоникарсиз амалга оширилади. Гап шундаки, станциянинг темир йўлларида бор-йўғи урта кран ўрнатилган, шундан иккинчиси го-фат эскириб кетганлиги сабабли ҳаммаша сафдан чиқиб қолади. Масалан, 2 сентябрда фақат битта кран ишлади, қолганлари ремонтда эди. Бунинг натижасида автомашиналарнинг бекор туриб қоллиши 47 соатин ташкил этди. Ёки бошқа масалани олиб кўрайлик. Биз ишни эрталаб соат 8 да бошлаймиз, кранчилар эса соат 9 да, баъзан ундан ҳам кеч ишга тушибди. Буни автокорхона ва Шумилов станцияси раҳбарлари билишадими? Билишди, лекин оқилона қарорга келишганча йўқ.

Кранлар ишлайдиган зонада бўлиш хавфли. Улар ҳаракатланадиган темир йўл изи кўтармас яроқсиз ҳолга келган: тўғри эмас, чуқур ботган жойлари бор. Биз бир неча йилдан буён Шумилов станцияси раҳбарлиги олдига кириш йўллари оёдонлаштириш тўғрисидаги масалани кўйиб келмоқдамиз. Бу ҳақда уч томонлама пудрат шартномаси ҳам ёзилган. Аммо аҳвол ўзгармапти. Айтилайки, унинг йўл охирида машиналар ўнгиланиб олиши учун асфальт қилинмаган кичик-майдонча бор. Шу ерда қўнча машиналар ботиб қолади. Ўн биринчи йўлга яқин кўчанинг юриладиган қисми темир издан ан-

ча олиб, натижада бу ерга ёнгичарчилик вақтларда сув ва қор тўпланиб қолади, яхмалак ҳосил бўлиб, транспорт ҳаракатини қийинлаштиради, авария ҳолатини юзага келтиради.

М. С. Горбачёвнинг КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумидаги қарарига асосланган ҳолда, автокорхона ва транспортни қайта қуриш юзасидан вази-фат лўнда ва аниқ белгилан- берилган. Мамлакатимизнинг бир қатор республика- ларида ўтказилган эксперти- мент автомобиллар ишини ҳисобга олиш янги методи ҳайдовчиларга ҳам, истеъ- молчиларга ҳам катта фой- да келтиришини кўрсатди. Машиналардан фойдаланиш- ни яхшилаш ҳисобига кор- хоналарга ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш учун аж- ратиладиган транспорт сохи- ни қисқартириш имконияти туғилди, ёқили сарфи анча камайди.

Автомобилчилар шундай ўзгаришни анчадан буён ку- тишарди. Корхонамизда эн- дигина қайта қуриш олиб борилаётган, лекин у гоғда сўст бормоқда. Биз хизмат кўрсатаётган ташкилотлар бу соҳада қўнма беришмап- ти. Шумилов станциясида ва бошқа объектларда илгирчи- дек машиналар ишисиз кўп соатлаб бекор туриб қола- ётир. Контейнерларнинг нор- мада белгилангандан зиёда бекор туриб қоллиши Тош- кент тўқимачилик комбинати- да, «Химнабобит» базасида, қушдан муҳофаза қурилма- лари заводда, шаҳарнинг бошқа корхона ва ташкилот- ларида мавжуд.

Автокорхонамизда бажа- рилмаган ишлар ҳажмининг кўпиш ёшиш умрини ўзига бўлган ҳол, меҳнат сифати

учун ҳайдовчиларнинг масъ- улияти ошди. Июлда 15 ав- томобиль радиоланштирилди. Бу фақат диспетчер билан эмас, балки ҳайдовчилар би- лан ҳам бевосита алоқа ўр- натиш, машиналарнинг юк- сиз қатнашини қисқартириш, контейнерларни манзилга етказиш жадаллаштириш имкониятини берди.

Машиналар самардорли- гини анча ошириш мумкин бўлган ҳали кўпгина резер- влар бор. Масалан, Шумилов станциясига икки бригада — мен ва Ю. Агафуров бош- қиларнинг меҳнатини. қайта қуришда партия ва касаба союз ташкилотларининг фа- ол роли сезилмапти. Ўғри, ҳар бир бригаданинг ва ум- уман корхона ишини йфода- ловчи стед мавжуд. Бри- гадаларда иш якунлари ҳар ойда, автокорхона бўйича эса ҳар кварталда чиқарила- ди. Бироқ бу ҳам қорғон ва ҳисоботларда. Жонли, ико- дий иш эса қўнмайди. Кўпгина коммунистлар, ком- сомоллар ва касаба союз аъзолари ҳаузуғача ишлаб чи- қаришда авангардлик роли- ни ағдалангиларча йўқ, бу- нинг натижасида 20 та ҳай- довчилар бригадасидан фа- қат учтаси ярим йиллик юк та- шиш план топшириқлари- ни бажарди.

Айтиб ўтганимдек, авто- мобилчилар сўст бўлса ҳам, фаолиятларини қайта қура бошладилар. Меҳнат ва транспорт иттизомининг бузиш- камайди, ишга чиқмай қо- лиш ва кечикиб келиш қис- қарди, меҳнатда яхши қў- саткичларга эришиш учун бутун коллективнинг масъ- улияти ошди. Транспорт бу- юртмачилари автомобилчи- ларнинг эҳтиёжларига қўлоқ солиб, машиналардан оқило- на фойдаланиш чора-тадбир- ларини қўришса муваффа- қиятларимиз янада салмоқ- ли бўлиши турган гап.

жаат қилишга мажбур бўла- ётирмиз.

Автотранспорт корхонаси- да автомобилнинг орқа гил- диракларини бириктиригич гулчакни янада сифатли қи- либ тайёрлаш масаласи ҳам ҳал бўлмай келмоқда. Улар асосан сифати паст метал- лардан ишлаб чиқарила- ётир, фойдаланишда ишонч- ли эмас. Машиналаримиз- нинг ярим принцип ва кон- тейнер билан юкиннинг уму- мий вази ўрта ҳисобда қар- йиб 40 тоннага ташкил этади. Бу юкни қўтариш учун фақат сифатли резина эмас, шишиқ-пўхта гилдирак бириктиригич гулчак ҳам за- рур.

Шу пайтгача автотран- спорт корхонамизда ҳайдов- чиларнинг меҳнатини. қайта қуришда партия ва касаба союз ташкилотларининг фа- ол роли сезилмапти. Ўғри, ҳар бир бригаданинг ва ум- уман корхона ишини йфода- ловчи стед мавжуд. Бри- гадаларда иш якунлари ҳар ойда, автокорхона бўйича эса ҳар кварталда чиқарила- ди. Бироқ бу ҳам қорғон ва ҳисоботларда. Жонли, ико- дий иш эса қўнмайди. Кўпгина коммунистлар, ком- сомоллар ва касаба союз аъзолари ҳаузуғача ишлаб чи- қаришда авангардлик роли- ни ағдалангиларча йўқ, бу- нинг натижасида 20 та ҳай- довчилар бригадасидан фа- қат учтаси ярим йиллик юк та- шиш план топшириқлари- ни бажарди.

Айтиб ўтганимдек, авто- мобилчилар сўст бўлса ҳам, фаолиятларини қайта қура бошладилар. Меҳнат ва транспорт иттизомининг бузиш- камайди, ишга чиқмай қо- лиш ва кечикиб келиш қис- қарди, меҳнатда яхши қў- саткичларга эришиш учун бутун коллективнинг масъ- улияти ошди. Транспорт бу- юртмачилари автомобилчи- ларнинг эҳтиёжларига қўлоқ солиб, машиналардан оқило- на фойдаланиш чора-тадбир- ларини қўришса муваффа- қиятларимиз янада салмоқ- ли бўлиши турган гап.

Замондошимиз



ВETERАН ИБРАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми- тетини нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ор- денли босмаҳонасида жуда кўп ветеранлар, ўз касбининг усталари меҳнат қилишди. Шу- лардан бири — печатник, коммунистик меҳ- нат зарбдори Таскира Валиевадир. Унинг ана шу корхонада меҳнат қила бошлаганига чорак асрдан ошди — аниқроғи 26 йил бўлди.

Яқинда коллектив уни юксак мукофот би- лан чин қўнгилдан муқорабод этди. Ун би- ринчи беш йиллик план-топшириқларини ба- жаршида эришган юксак кўрсаткичлари учун у СССР Олий Совети Президиумининг Фар- монига бинован III даражали Меҳнат Шў- рати ордени билан мукофотланди.

Т. Валиева ҳозир бир йўла Чехословакияда ишлаб чиқарилган кикита «Графопресс» ма- шинасида ишлаб, смена топшириқларини мун-

тазам 120-125 процентга етказиб адо этипти. Цехда энг масъулиятли топшириқларини чоп этиш унга ишониб топширилади. У барча топ- шириқларини ўз вақтида, сифатли бажаради. Шу билан бирга ўз тажрибаларини ёшларга сидқидилдан ўргатади. Унинг собиқ шогирди Марғуба Бозорова ҳозир 3-разрядли ишни, Мавлуда Уринбоева эса эндинга ўз устоз- дан касб сирларини ўрганмоқда.

Илғор ишни ҳар соҳада ҳамкасбларига ўр- нак бўлишга интилади. У цех касаба союз комитетининг раиси сифатида ҳам кўпгина жамоатчилик ишларини бажаради. Шу кун- ларда у ўз ваъдасига вафо қилиб — беш йиллик шахсий топшириқларини 4,5 йилда ба- жарши учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Т. Валиева.

Н. Мухаммаджонов фотоси.

Шаҳар комсомол комитети пленуми

Шаҳар комсомол комите- тининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVIII съезди талаблари асосида ёшларни коммуни- стик руҳда тарбиялаш бўйича район комсомол ташкилоти фаолиятининг форма ва ме- тодларини тақомиллашти- риш тўғрисида Ленин район

комсомол комитетининг ҳи- соботини муҳокама этилди. Тошкент шаҳар XXVIII ком- сомол конференциясида би- дирилган тақдирли мулоҳа- за ва тақдирларнинг бажа- рилиш тўғрисидаги ахборот тингладилар, шаҳар XXIX комсомол конферен- циясини ўтказиш муддатини белгиландилар.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. А. Аваков бошқа ишга ўтганлиги му- носабати билан шаҳар ком- сомол комитети секретари — пропаганда ва маданият- оманий ишлар бўлимининг мудирин ва бюро аъзоси ва- зифаларидан озод қилинди.

Тошкент—янгича анъаналар шаҳри

Полизчиларга ташаккур

Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган бу байрамда шўх музика садолари янгради, қўшиқ ва рақслар икром этилди. Тилими тилин ёради- ган Мирзачўл қовун-тарвуз- ларига бағишланган бу бай- рамий маданият ва умумий оватланиш бошқармалари Сирдарё областининг илғор поллизчилари билан бағишда ўтказилди.



Кичик меҳнаткешларини шаҳарликлар нон ва туз би- лан кутиб олдилар. Хийбон- ларда ташкил этилган «Қовун сайли»га кўплаб тошкентлик- лар ташриф буюришди. Улар қовун-тарвузларини харид қи- либ, бадий ҳаваскорлар иж- росидаги концерт номерлари- ни томоша қилдилар. Кон- цертда Тошкент шаҳар Со- вет ижроия комитетининг ма- даният бошқармаси, Ленин

комсомол номидаги маданият ва истироҳат боғи, пойтахт область Коммунистик райони- нинг «Коммунист» колхози ҳаваскорлари иштирок этишди. Дала неъматларини шаҳар- ликлар дастурхонига тортиқ қилганликлари учун Сирдарё

областининг колхоз ва сов- хозлари меҳнаткашларига са- мимий ташаккур сўзлари из- ҳор этилди.

СУРАТДА: М. Горький номи- даги маданият ва истироҳат боғидаги «Қовун сайли».

Олам-олам гул...

Гул муҳаббат рамзи, ҳаё- тимизнинг ҳусни-жамоли. Ҳар бир шодиёнали маросим у билан янада фойзли. Олтин куз фаслида наботот олами ўзининг қамалак сингари то- ланувчи жамолини кўз-кўз қилади. Бу паллада анвойи гуллар қийғос очилди, бутун борлиғи ва гузаллиги билан оламни келинчадек ясантди- ди.

Ўтган якшанбада шаҳримиз- нинг Карл Маркс кўчасидаги «Зарафшон» ресторани кар- шисидеги хийбон дам олувчи- лар ва табиат мафтункорлари билан яна гажвум бўлди. Бу ерда олтин куз фаслида ран- ги рангига етилди, тўлишиб, жиллоланиб очилган анвойи гулларнинг минглаб намуна- лари намойишга қўйилди. Гул ишқибозлари ва табиат маф- тункорлари учун ташкил этил- ган бу тадбир ҳаммага катта завқ бахш этди. Ўзига хос гул байрами маросимида Шредер номдаги боғдорчилик ва



узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент манзарали боғдорчилик сов- хози гулчилари, «Тошкент гул- лари» фирмасининг ходимлари

хизмат қилдилар. СУРАТДА: олтин куз гул- лари намойиши.

М. Нурдиднов фотолари.

Алло, редакциями?

32-53-66
33-99-42

БУГУН

16 сентябрда қадрли оқшом- хонлар, соат 17 вақт ичиде сизлар ўзларингизни қизиқтирган савол- ларга Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг

ҚАЙТА ҚУРИШ ҲАҚИДАГИ СУҲБАТГА МАРҲАМАТ

Борис Владимирович Ефремов, Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси Виталий Семенович Артюшенко ва Чилон- зор районининг бошқа раҳбарларидан жа- воблар олишингиз мумкин. Телефонларини эслатиб ўтамиз: 32-53-66, 33-99-42.

ШАХМАТ
КАСПАРОВ УСТУНЛИГИДА

Кеча Ленинградда совет гротмейстерлари Гарри Кас- паров ва Анатолий Карпов ўр- тасидаги реванш матчининг 16- партияси Гарри Каспаровнинг

ғалабаси билан якунланди. 9,5:6,5 ҳисобида Г. Каспаров олдинда бормоқда.

ХОККЕЙ

ДАСТАБКИ ГАЛАБА
Кеча «Бинокор» ўз майдони-

да Тольятти шаҳрининг «Торпе- до» командасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида дастабки ғала- бани қўлга киритди. Бутун со- ат 18.30 да командалар такро- рий учрашуви ўтказилди.



БАЙРАМ ТАНТАНАСИ

Якшанба кунин «Пахтакор» Марказий стадионинда СССР халқлари IX ёзи Спартакиадаси энгил атлетика мусобақалари- нинг бошлангичга атаб тайёр- ланган байрам программаси намойиш этилди. Байрам тан-

танасида қатнашган ўқувчи- лар, студентлар, спорт жа- миятларининг вакиллари, бади- ний ҳаваскорлик тўғрақлари- нинг қатнашчилари, цирк ва эстрада артистлари республика-

мида спорт ва маданиятни юксалтиришда эришилган ютуқ- ларини намойиш қилдилар. Бу программа бутун соат 11.00 да яна тўла ҳолда намойиш эти- лади.

(СССР халқлари IX ёзи Спартакиадаси энгил ат- летика мусобақаларига ба- гишланган материаллар би- лан газетанинг 4-саҳифаси- да танишасиз).





Жадаллаштириш—ҳар биримизга боғлиқ

Коммунист ўйлари

Шу кунларда бутун мамлакатимизда сизлар шахри-мида ўн иккинчи беш йилликнинг тўғрича йилидаёқ салмоқли ютуқларга эришиш учун қимматли ташаббуслар майдонга келмоқда. Масалан, Улуг' Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига меҳнат уюмдорлигини ошириш юзасидан беш йилликнинг икки йили учун белгиланган пилани бажариш, бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топиригини адо этиш ёки белгиланган пилани муддатидан илгари бажариш, маҳсулот сифатини юксак даражага кўтариш борасида зиммага олинаётган мажбуриятларнинг сифат кўрсаткичлари сари, уюмдорлигини ошириш томон бурилиш бошланганлигини кўрсатиб турибди.

Ана шундай бир кездан ҳар бир коммунист, ҳар бир ишчи-хизматчи партия XXVII съезди белгиланган берган жамият турмушининг ҳамма соҳаларида жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиши, янги марраларга эришишга ҳара-мас. Агар биз ҳар биримиз

фақат шу билангина кифоялансак, ҳеч қачон салмоқли натижаларга эриша олма-миз.

Маълумки, фан-техника тараққийоти жадаллаштириш эканлигини интенси-лаштиришда катта аҳамият касб этади. Бироқ 1—6 цехларда ўз вақтида техник-ка жиҳатдан қайта жиҳоз-лаш ва цехларни рекон-струкция қилиш ишлари етарлича қилинган бўлиб-мади. Бу ҳақда биз, комму-нистлар бирлашма партия комитетининг йиғилишлари-да бир неча бор гапирдик. Фақат бутунча эмас, бирлаш-мага қарашли завод ва фи-лиалларда ишлаб чиқариш майдонларини ва қувватла-рини кўпайтириш масаласи-ни қўйилди.

Иккинчи муҳим масала бу маҳсулот сифатини кескин яхшилаш. Бизда бу борада қўшгина муаммолар мавжуд. Ўз вақтида 01, 03 ва 05 цехларда аҳолининг жиддий яхшилаш зарурлиги ҳақида айтиб ўтилган эди. Чунки маҳсулот сифатининг паст-лигига қўшгина нарсалар са-

баб бўлади. Масалан, қўллаб ишлаб чиқариш қийинчили-ри цехларда, бирлашма ҳов-лиларида тўпланиб қолади. Бу эса ишлаб чиқариш ма-даниятининг пасайишига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келади.

Учинчи муҳим масала — бу иқтисод ва тежамкорлик масаласидир. Тўғри, 1984 йилга таққослаганимизда бу борада ишлар бирмунча ях-шиланди. Ресурсларни те-жаб-тергаб сарфлайдиган бўлиб қолдик. Иссиқлик энергияси 7 процент, ёқилги салкам 1,5 процент тежа-ляпти. Рангли металлларни тежаш борасида ҳам қўш-гина ишлар қилинди. Бироқ ози-қўшми эришилган даст-лабки натижалар билан қа-ноатланиш мутлақо мумкин эмас.

Бизнинг олдимизда моддий техника ресурсларини, энер-гетика ресурсларини тежаш борасида ҳам қўш вазибалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг Мурожаат-номасида иқтисод ва те-жамкорликка даъват қилин-ган. Биз иқтисод ва тежам-

корлик учун мусобақанинг янада таъсирчанроқ шаклла-рини ўйлаб кўришимиз ке-рак. Бунда ошкоралик ва қаттиқликни таққослашга, илғор ишчи-хизматчиларни рағбатлантиришнинг янги шакллариин излашга эъти-борни қаратиш керак. Чун-ки иқтисод ва тежамкорлик учун рағбатлантиришнинг эс-ки методлари ҳозир қўл кел-маяпти. Тўғри, бу борада қўшгина изланишлар олиб бориляпти. Аммо ишнинг янги форма ва методларини дадил излавишимиз лоз-им.

Шу ўринда ҳар биримиз шахсий намуна кўрсатиши-миз керак. Раиса Аҳмедова, Валерий Зезин сингари қўллаб ҳамкасбларимиз фақат ностандарт ускуналар цехи-дагина эмас, балки бутун бирлашмада ҳам шахсий на-муна кўрсатишляпти. Мен ҳам зиммагадиган топириқ-ларни виждонан бажариш-га интиляпман.

Б. ШАЛИМОВ,
«Средзакбел» ишлаб чи-қариш бирлашмаси комму-нистик меҳнат зарбдори.



Коммунист ҳаммаша бошқаларга намуна бў-лиши, уларни ўз ортидан эргаштириш лозим. Еш бўлса ҳам П. Юсупов Тошкент экскаватор заводи-нинг 2-механика цехида қўшчилликка намуна бўлмоқда. Коммунист иш уюмнинг

ошириш билан бирга, унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Айни пайтда ўз маҳоратини ошириш, билиминини кенгайтириш-га астойдил интиляпти.
СУРАТДА: П. Юсупов.

Беш йиллик вахтасида

Корхона машъаллари

РЕПОРТАЖ

Яқинда трамвайда кетаётган-мида бекетнинг икки дугона сўхбатини эшитиб қолдик. — Дилдора, кўйлагингни қаердан олдинг, бирмунча ўзин-га ярашибдики, кўзни қамаш-тиради, импортний бўлса ке-рак!

— Йўқ, чет элники эмас, дугонажон. Узинининг «Ма-лика»ники, — деди Дилдора кўйлагига ҳавас билан тики-либ.

Кўйларнинг шу баҳси бизни Тошкентдаги «Малика» трико-таж ишлаб чиқариш бирлаш-масига бошлади.

Корхонада меҳнат уюмдор-лиги йил сайин ортиб бораёт-ганининг гувоҳи бўлдик. Шу кунгача бу ерда 50 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинган. Бу кўрсаткичга ўт-ган йилга нисбатан икки ҳаф-та илгари эришилди. «М» ин-декси билан чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳам кўпай-моқда. Корхона шу кунгача шундай бўйлардан 7 мил-лион сўмликнинг савдо шох-чаларига жўнатишга муваффақ бўлди.

Коллектив XII беш йиллик-да ўз олдинга юксак мажбу-риятлар олиб меҳнат қил-моқда. Шунга қараб бу ерда икки трикотаж ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 баравар кўпайди. Пландан ташқари 5,5 мил-лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Мана, — бирлашманинг 1-тикув цехидамиз. Цех бошли-ги Эркин Тўлаганов партком ҳузурда экан.

— Юриглар, сизларни ўзим цех билан таништираман, — деди катта инженер-нормиро-вачи Холида Азизова.

Цех томон ошқидик. Ичкари-га кирар эканмиз тикув маш-чаларнинг шовқини бир зум бизни тангитиб қўйди. Уларни чаққон бошқариётган хоти-на ишларини айтиш. Ҳамма ўзига юклатилган иш жараё-нини моҳирлик билан бажар-моқда. Биз ўрта ёшлардаги аёл қаршида тўхтадик.

— Танишинглар, — дед-ди Танишинглар, — дед-ди Холида-хон, — илгорликни қўлдан бермай келаётган бригадир-ларимиздан бири.

— Ойбас опа, бизни бри-гадангизнинг ишлари, аъзола-ри билан таништирсангиз.

— Бригадам ҳақида ҳар қанча гапирсам бўлади. Кол-лективимиз 31 та ишчидан ташкил топган. Бригадамиз тикувчилари асосан эркаклар, аёллар, болалар қўлақлари-ни тикийди. Ҳозир пахта ва синтетик толадан тайёрлан-ган материаллардан эркак-лар, аёллар ва болаларнинг 5 хил янги моделдаги либос-ларини тикаяпмиз.

1984 йили бригадамизга «Юкори» сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган коллек-тив» деган ном берилди. Ой-лик, йиллик пландарини ҳам-ша ортиги билан бажарамиз.

Биз бригада аъзолари би-лан танишиш мақсадида ти-кув дастгоҳларига яқинлаш-миз. Кўйларнинг қўли-қўли-га тегмайди. Бири қўйлақ ёқасини тикса, иккинчи қиз унинг чокини йўрмалайди, бошқаси эса тугма қадайд. Шундай қилиб, ҳамма тикув-жарани конвейер ускуна-да олиб борилади. Диктати-мининг чаққонлиги билан иш-лаётган ёшгина қизча ўзига тортиди.

— Хосият Дадажонова, — дед-ди таништарди Ойбас опа. — 10-синфни битириб тўғри бизнинг цехимизга ишга кел-ган. Ишга келганига энди-гина 2 йил бўлди. Шу қисқа муддат ичиде у бир неча операцияларнинг ўрганиб ол-ди. Бирорта ишчи бетиб бў-либ қолса, дарров дастгоҳи-га ўтириб, унинг нормасини ҳам бажараверади. Бундай чаққон ёшлар бизларда кўп.

Муҳаббат Акромова, Насиба Икромова, Дилдора Эргаше-ва каби комсомол-ёшлар ана шундайларандир. Улар ойлик нормаларини 110 — 115 процентга етказиб бажар-иб келишмоқда.

Шу пайт ёшимизга цех бош-лиги Эркин Тўлаганов кириб қолди.

— Ҳа, Аглюмова бригадаси цехимиз фахри. Ойлик план-ларини ҳаммаша 120 — 130 процент бажаради. Ойбас бригадаси ҳақида гапириб, ўзи тўғрисида индамагандир, ҳойнаҳой, — деди у қўлиб. — Унинг бирлашмага келга-нига 26 йил бўлди. Узининг ҳалол меҳнати билан коллек-тив ўртасида обрў топди. Шаҳар Советининг депутаты, меҳнат ветерани, 1986 йилда «Меҳнат аълосини» нишони билан тақдирланди. Айтмоқчи, мусобақадорин Рихси Юсупова ҳам ундан ортда қолаётгани йўқ. Рихси хон бригадаси ҳам қўш, ойлик нормаларини ҳам-маша ортиги билан бажаради.

Рихси Юсупованинг меҳнат феолиятига роппа-росса 15 йил бўлди. Бу коммунист бажарётган бригадада 40 та аёл ишлайди. Ҳаммаси бири-биридан чаққон, аҳил.

М. АКРОМОВА.

Қиш тайёргарликни ёқтиради

«Бюрократ» ўйини

Фельетон

Бир пайтлар сатирик журналлардан бирида [адашмасак «Крокодил»да бўлса керак] бир карикатурага кўзи-миз тушганди. Унда икки бола тас-вирланганди. Болалардан бири иккин-чига: «Кел ўртоқ, «бюрократ» ўйи-ни ўйнаймиз», дейди. Иккинчи бола: «Кандай қилиб?», деса, биринчи бола: «Мен ҳонада ирсолага ястаниб ўти-рам, сен эшикни очиб, «Мумкинми!» дейсан. Мен эса ҳар гал «эрта келинг, индин келинг», деявераман» деб ўқ-тиради.

1-Қорақамш массивининг 3-микро-районидеги аҳоли билан Собир Раҳи-мов район уй-жойлардан фойдала-ниш трести раҳбарлари [бошлиги Ш. Ахроров] ўртасида бўлаётган маш-машани ҳам худди шу ўйинга ўхшаша бўлади. Болалар ўйини-ку бир соат, бориш, икки соат давом этиши му-мкин. Буларнинг қўйини эса қарниб ўз ичладан бери давом этапти. Аммо ҳақон чеки-чегараси кўринма-япти.

Бу ҳақда микрорайон аҳолиси га-зеталарга ҳам, юқори партия, совет ташкилотларига ҳам шикоятлар ёзиш-ди. Афсуски ҳеч қандай натижа чи-қмапти.

Хўш, ўзи нима гап! Қўй оғзидан чўп олганга, янғордан ҳазар қил-диган, эконоимачини кўрганда салом-пашмай ўтадиган кишиларнинг қўлга қалам олиб, 94-ЖЗУ ва трест раҳбар-лари устидан шикоятбозлик қилиб юришга нима мажбур қилаяпти! Бу-нинг учун микрорайонга бориб, ат-

рофта бир разм солишнинг ўзи ки-фоя. Бу ерда қазилганга аллавақ-дан бери ётган ҳандақларини ҳам, изолация қилинмаган иссиқлик қувур-ларини ҳам, уюлиб ётган бетон пли-таларини ҳам кўриш мумкин.

Микрорайон аҳолиси бундан ўн йилча муқаддам ҳашар йўли билан қўрган, болалар ҳам, катталар ҳам айраб ҳордиқ чиқарадиган спорт майдончасини айтмайсизми. Ҳозир унинг аҳолига маймунлар йиғлайди. Ўтган йили иссиқлик йўли қувурчилар спорт майдончасининг ўртасидан ку-авур учун ҳандақ қазилди-да, спорт жиҳозларини тош-тупроққа қўшиб суриб ташлашди. Мана бир йилдирки, майдонча шу аҳолида ётибди.

Гап фақат шум, дейсизми! Афсу-сики, йўқ. Массивда ҳозир 40 та уй қишга мутлақо тайёр эмас. Шундан 8 таси 94-ЖЗУга қарашли уйлари-дир.

Маълумки, 1-Қорақамш массиви-даги қўшгина уйлар сингари 3-микро-райондаги уйлар ҳам бундан 15-20 йил аввал қўрилган, аллақачон капи-тал ремонт талаб бўлиб қолган. Аммо бу ишга ҳали жиддий киришил-гани йўқ.

Рост, базиллари бундан 5-6 йил му-қаддам «ўжакўрсинга» наридан бери чапа-чулла ремонт қилинди. Аммо ремонтчилар ертўлаларга ҳатто мўра-лаб ҳам қарашмади. Агар жипла қур-са 49, 50-уйларнинг ертўлаларига бир разм солишганда коммуналчилари нидан чиққанлигини, қувурлардан тўтовасиз сув оқиб

ҳатто канализация қувурлари ҳам тешилиб, атрофини баббўй ҳид тўтиб кетганлигини кўришлари мумкин эди. Бу аҳолининг натижаси ўлароқ ёзда микрорайонда чивилар гулжон ўй-найки. Қишда эса квартираларда совуқ-дан тиш тақирлайди.

Айтишларича, микрорайон аҳолиси Собир Раҳимов район уй-жойлардан фойдаланиш трестига ёзда шикоят қилиб боришган экан. У ердаги ака-лар линакларини бузмай: «Магазинда дона қўп, квартирага пашшахона ку-риб ўтиришлар», дейишди. Қишда боришганда эса: «Робинзон Крузо бир ўзи яйдок оронда қолиб, гулдай турмуш кечирган. Сизлар Тошкентдай ҳақон ақинда ўзингларни ўзинглар эппай олмайсизларми! Уят-эй!» дейишди.

Шундан кейин одамлар бироз тек туришди. Аммо 1984 йилдан 1985 йилга ўтар қиш қаттиқ келди. Уйлар-даги ҳарорат 8-10 даражадан ошма-ди. Одамлар энди юқори ташкилот-ларга мурожаат қилишди. Ана шунда трестдан спесарлар олиб-сомбирла-рини кўтариб келиб, уйлардаги ҳара-ратни сал кўтариб кетишди. Ушундай ҳам ҳарорат 14-15 градусдан ошмай қолди пўстин қийиб ўтиришга тўғри келди.

1985 йилги қишда ана шу аҳоли тақорланди. Баҳорга чиқиб, қўл руч-ка ушлашга қовушадиган бўлган, одамлар ана ёз-ёзини бошлашди. Шунда 94-ЖЗУнинг раҳбарлари одам-ларни тўплаб: «Май ойдан бошлаб

аввало ертўлаларни ремонт қиламиз, сўнгра уйлардаги эскирган труба-лар-ни алмаштириб, квартираларни де-вордан эмас, батарея орқали исита-диган қиламиз. Ана унда квартира-ларнинг фин ҳаммаининг худди ўзгасига бўлади», дейишди.

Одамлар бу гапга ишонинди. Чунки, уч-тўрт кун ўтган 8 та уйдаги эски қувурларни қирқиб, квартира шифтларини янги иссиқлик қувурлари ўтказиш учун тешиб кетишди-да. Афсуски, шундан сўнг ана иш тўхтаб қолди. Сабабми, сурштирилганда эса 94-ЖЗУ бошлиги О. Зоҳидов трестда «батарея йўқ, фонд тамом бўлибди», деб жавоб берди.

Шу йил июнь ойида райондаги мутасадди ташкилотларнинг вакил-лари микрорайонга келиб, аҳоли би-лан танишишди. Кейин одамларни тўплаб ҳамма уйлар бир ойда шин-гинини қилиб ремонтдан чиқарилади, квартираларга анча вақтдан бери қўйлаётган иссиқ сув ҳам келади, спорт майдончаси қайта тикланади, деб ваъда берди. Шунга ҳам икки ой бўлаяпти. Аммо ҳақон шифтлар тешиш, уйларда аёллар иссиқ сувга зор бўлиб ўтиришди.

94-ЖЗУ 1986 йил бошида ташкил этилди. Шундан бери унинг бошлиги тўрт марта ўзгарди. Яқинда одамлар тўртинчи бошлик О. Зоҳидовнинг ҳу-зурига бориб: «Ўтганг ойи ана яқин-лашяпти, бу ёни қандок бўлади, ака!» дейишса, у киши жавоб қил-мабдилар. Эҳтимол, ўйлаётгандирлар.

Л. ХАМРОЕВ,

«Тошкент оқшом» мухбири.
СУРАТЛАРДА: Қорақамш 1/3 мас-сивининг бўғунги кўринишдан павҳа-лар.

АҚШ олимлари—самовий урушларга қарши

НЬЮ-ЙОРК. Америка оли-мларининг катта бир гуруҳи Рейганининг «Самовий урушлар» программасини таққолашга талаб эдилар, бу олимлар Ора-сида Нобел мукофотининг 57 лауреати ҳам бор.

«Йўлдошлар қуролнинг ҳам-ма элементлари космосда жой-лаштирилган ракетага қар-ши мудофаа системасининг

яратилиши ядро уруши чиқиб кетиш хавфини кучайтиради. Бу ядровий ҳужум қурол-про-граммаларини қўлайтиришда хавфли мухолифликка қамчи босади,— дейилади ана шу Америка олимларининг катта гуруҳи тарқатган мурожаатномада. — Космик фазодаги қуролланиш поғаси АҚШнинг миллий хавф-сизлиги учун жуда катта хавф-хатардир».

Америка илм-фанининг етак-чи намоёндалари Ер атрофи-даги фазодан фақат тинчлик мақсадларида, Ер юзидеги бар-ча халқларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш керак, деб таъкидламоқдалар. Кос-мос қурол-яроғларнинг ҳамма турларидан ҳоли бўлиши ло-зим.

ФИНЛЯНДИЯДАГИ ЛЕНИН МУЗЕЙЛАРИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

ХЕЛЬСИНКИ. Ҳужжатли фильмлар маркази студия-си «Чет эллардаги Ленин музейлари» лентаси устидеги Финляндияда бошла-ди. Бу съёмка Ленин Му-зейлари тўғрисидаги цикли-ни ҳоҳишга етказишда. Бундан аввал «Москвадаги Ленин музейлари» ва «Совет Итти-фоқидеги Ленин музейлари» картиналари суратга оли-нган эди.

Маълумки, В. И. Ленин Финляндияда кўп марта бўл-ганди. РСФСРда хизмат кўр-сатган санъат арбоби режис-сёр Владимир Коналов бош-чилигидаги группа Владимир Ильичнинг Тампере, Хель-синки, Котка ва Турку яқи-нидаги Парайнен шаҳарчаси-даги музейларида бўлиб чи-қиди.

Ўз ишимизни Тампереда бошладик, деди ТАСС му-хбири билан сўхбатда фильм режиссёри В. Коналов.

Финляндиянинг мана шу кат-та маъмурий, саноат ва ма-даният марказида 1946 йил-нинг январь ойида «Финляндия—Совет Иттифоқи» жа-мийати шаҳар бўлимининг та-шаббуси билан чет элларда

биринчи мартаба Владимир Ильич музейи очилганди. Музей 1905 йил В. И. Ле-нин раҳбарлигида РСДРП-нинг тарихий биринчи кон-ференцияси ўтган бинонинг ўзиде — ишчи уйида очил-ди. Бу йил музей ўзининг 40 йиллигини тантана билан нишонлади. У юксак муко-фот — Халқлар дўстлиги орденига сазовор бўлди. Му-зей жаҳонда биринчи соци-алистик давлат асосини, унинг финлар ва Финляндия билан алоқалари тўғрисида маълумот тарқатиш бораси-да актив иш олиб бормоқда.

Бу ерда узоқ 1905 йил кун-лари, В. И. Лениннинг Фин-ляндияда бўлиш тўғрисида, ижтимоий тузуми ҳар хил давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинга принциплари амалга ошириш тўғрисида кенг тасаввур берувчи ҳуж-жатлар кўп.

Финляндиядаги съёмкалар ниҳоятга етказилди. Фильм устидеги иш Польша, Чехос-ловакия, Франция ва бош-қа мамлакатларда давом эт-тирилади. Фильмини Улуг' Октябрнинг 70 йиллигига чиқариш мўлжалланади.

Қабилалар душманларга қарши курашмоқда

КОБУЛ. Покистоннинг Ҷи-мол-шарқий чегара вилоятда истиқомат қилаётган қабилалар душманларга қарши курашиш давом эттирмоқдалар. Бахтар агентлигининг хабар бериш-ча, Тахейл районидеги Вазира қабиласининг отряди афғон аксикликибчиликка қарш-ли ўқ-дори ортлган юк авто-мобилига қуроли ҳужум қил-ди. Юк машиниси портлаши

натижасида босмачилардан ик-ки киши ўлдирилди, бири оғир жароҳатланди.

Мираншоҳ районидеги Ҷи-мол-шарқий чегарада душ-манларнинг озиқ-овқат омбо-ри кучли портлаш натижасида бутунлай йўқ қилинди. Қабилаларнинг отрядлари афғон аксикликибчиликларининг гуруҳлари ҳарбий тайёргарлик-дан ўтаётган Бати лагериде

ҳам омборларни вайрон қил-дилар.

Бахтар агентлиги қабилалар афғон аксикликибчиликчи-лари яшаб турган территория-дан бутунлай ва узил-кесил қабилаларни муҳофаза қи-лишни кучайтиришни кўзда тутиди. Шунингдек, таможи-назоратини кучайтиришга ҳам қарор қилинди.



Австралия. Пикассонинг «Йиғлаётган аёл» расми шу йилнинг август ойида ўғирлаб ке-тилган эди. У топилди. Мельбури вокзалда

(суратда) юкларни автоматик равишда сақлаш камерасидан топилди.
АП — ТАСС телефотоси.



БҮГҮН


СТАРТДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР

ҳам ана шундай муваффақиятнинг тақдирини қўлига олишди. Қўлига, республика вакиллари қўлига олишди. Қўлига, республика вакиллари қўлига олишди.

Воқеалар маркази Тошкентда бўлиб, бу ердаги югуриш йўлларини, стадион, сектор ва майдончаларда беш кун давомида қизиқарли баҳслар бўлди. Енгил атлетиканинг турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда 43 спортчи медаллар топишди. Чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун барча иштирокдор республикалар, Москва ва Ленинграддан келган 1100 дан зиёд спортчи кураш олиб боради. Мусобақаларда 300 дан зиёд республика, бутуниттифок ва халқаро тоифадаги судья хизмат кўрсатади.

Ўз-ўзидан бу ердаги баҳсларда республика вакиллари қўлга киритиш учун барча иштирокдор республикалар, Москва ва Ленинграддан келган 1100 дан зиёд спортчи кураш олиб боради. Мусобақаларда 300 дан зиёд республика, бутуниттифок ва халқаро тоифадаги судья хизмат кўрсатади.

Рапирачилар командаси



пайтида аниқланади. Енгил атлетика мусобақаларини томоша қилиш учун келган мухлислар мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари кўрсатган маҳоратини гувоҳлик қилади. Уларнинг орасида донецлик лангэрчўлда сакровчи жаҳон рекордчиси Сергей Бубка, баландликка сакровчи буйица мамлакат биринчилигининг совриндори, халқаро классли спорт мастери олмаоталик Ольга Турчак сингари машҳур спортчилар бор.

Спартакида беллашувлари иштирокчилар учун 1988 йилда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришида биринчи синов вазифини ўтайди. Шу ерда кўрсатилган натижаларга қараб, мамлакатимиз терма командаси аъзолигига номзодлар танлаб олинади.

Енгил атлетикани «спорт маликаси» деб бекорга айтишмайди. Унда ёшлик, жўшқинлик, қаққонлик, гўзаллик муҳассамлашган. Қатнашчилар пухта тайёргарлик кўришганлиги тўғрисида натижалар аниқлашди, янги номлар маълум бўлиши кутилмоқда. Қисқаси, стадионга ташир бу юрсангиз спортчиларнинг маҳоратлари билан завқланиб, бўш вақтингизни мазмунли ўтказишга эришасиз.

Аслида, спортда голибларни олдиндан белгилаш, башорат қилиш тўғрисида ҳақиқий кучлилар беллашувлар

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IX да Йўлчи юлдузи, 17/IX да Келинлар кўзгуси.

МУХИМНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/IX да Узлган торлар.

КИНО

16 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАРОЙИБ МУЎЖИЗА» — Санъат саройи (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 44-21-34, 44-21-44). «БОШИДАН БОШЛА» — Қозоғистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), Восток (тоқ соатларда, телефон 91-14-61). «МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН УРИН» — Нукус (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ЧЕГЕМ ИЗКУВАРИ» — Ватан (16, 18, 21.30). «ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» — ВЛКСМ 30 йиллиги (телефон 33-44-52), Лисунов номи (тоқ соатларда), Фестиваль (21.45). «АЗИЙ» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ОНА МУҲАББАТИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16, 18.30, 21.00).

«ЯШАНБАЛИК ОТА» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да). «КАРТОШКА ТЕРИМИГА ИШКИ САЕХАТ» — Хива (21.15).

«СУДЛАНУВЧИ» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да). «ТАБИЪ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 20.30).

17 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАРОЙИБ МУЎЖИЗА» — Санъат саройи (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 44-21-34, 44-21-44). «БОШИДАН БОШЛА» — Қозоғистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН УРИН» — Нукус (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да). «ЧЕГЕМ ИЗКУВАРИ» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да), ВЛКСМ 30 йиллиги (телефон 33-44-52), Лисунов номи (тоқ соатларда), Фестиваль (21.45).

«ОНА МУҲАББАТИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), Восток (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СУДЛАНУВЧИ» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да). «ТАБИЪ» — Санъат саройи (кичик зал 12, 14.30, 17, 20.30).

«ТИНЧ ЗАСТАВА» — Хива (21.15).

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармасининг «Хизмат-Беминнат» фирмасига қарашли

1-УНИВЕРСАМ ХУЗУРИДАГИ МАКТАБ-МАГАЗИН

кичик сотувчилар ва кассир-контролёрлар тайёрловчи

6 ОИЛИК КУРСЛАРГА НАВАТДАГИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиниш 16 дан 26 ёшгача бўлган, 8—10 синф маълумотидаги, Тошкент шаҳрида яшовчи қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойинга 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади, ўқиниш даври доирасида меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айти бир вақтда кечки мактабда ўқиниш давом эттиришлари мумкин. Мактаб-магазинини битириб чиққанларга фирмага қарашли университетларда ишлаш учун йўлланма берилади ва улар имтиёзли шартлар билан совет савдоси техникумининг сирти бўлимига ўқиниш кириш ҳуқуқидан фойдаланади.

Машгулотлар — гуруҳларнинг комплекташувига қараб бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Юнусов массиви (25, 28, 29-трамвайлар; 8, 24, 51, 60, 72, 82, 91-автобусларнинг «Универсам» бекати).

Справкалар учун телефонлар: 24-08-92, 24-79-96, 24-08-71, 24-08-73.

Фирма адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 23-квартал. Подмосковная кўчаси, 57-уй. «Берёзка» мағазини, (4, 9, 17-трамвайлар; 2, 41, 54, 187-автобусларнинг «30-поликлиника» бекати).

Фрунзе савдо маркази коллективи бош бухгалтер Нузум Ахмедовна АХМЕДОВНА вафот этганиниги чуқур кайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

реклама эълонлар реклама

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

ТЕЗ ЕРДАМ ВА МЕДИЦИНА ЕРДАМИ ХИЗМАТИ ҚОИДАЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА ТЕЗ ВА ШОШИЛИНЧ МЕДИЦИНА ЕРДАМИНИ БУТУН СУТКА МОБАЙНИДА ШАҲАР ТЕЗ ВА ШОШИЛИНЧ МЕДИЦИНА ЕРДАМИ СТАНЦИЯСИ КўРСАТАДИ.

Тез ва шошилинч медицина ердамини шаҳарнинг телефон орқали ёки «03» номерини териб билан телефон-автомат орқали қабул қилиш мумкин.

Тез ва шошилинч медицина ердами бахтсиз ҳолатлар юз берган вақтда, ўзини ўтасдан касалга чалинганда, у қаерда (кўчада, жамоат жойларида, йўлда) қолганда ва ҳоказо) содир бўлишда қатъий назар, шунингдек уйда ҳаёт учун хатарли аҳволга тушиб қолган ва ўтасдан касалга чалинган пайтларда катталар ва болалар томонидан қабул қилиш ҳам мумкин.

Тез ва шошилинч медицина ердами бригадасини мумкин қадар тезроқ жўнатишни татминлаш ва бекорга ёки жабр қўлган кишига ўз вақти-соатида медицина ердами кўрсатиш учун ердамга қабул қилиш киши қабул қилиб қўйиб олаётган диспетчернинг барча саволларига ўнда ва аниқ жавоб қайтариши ҳамда имконият тақозо этса, қабул қилинган бригадани киши кўриб олиши лозим.

Тез ва шошилинч медицина ердамини ҳеч бир асоссиз, жўрттага қабул қилишда айбдор шахслар, қўноқчи сайёр бригадаларга аъзолигига нисбатан ғайри интиқомий ҳақи-ҳаракатлар қилишга йўл қўйган кишилар жамоат тартибин бузувчилар сифатида жавобгарликка, қўноқ билан белгилаб қўйилган ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортилади.

Навбатчи диспетчер қабул қилиб олиш бошланганидан кейин ўз иш номерини айтиши шарт.

Тез ердам хизмати кўрсатиш шарт бўлмаган масала юзасидан мурожаат қилинган тақдирда диспетчер мурожаат қилувчи кишига маъмур ҳолатда медицина ердами сўраб қаерга мурожаат этишини маслаҳат бериши (район

поликлиникаси, аёллар консултацияси, диспансерга ва ҳоказо) ва телефон номерини маълум қилиши лозим.

Тез ва шошилинч медицина ердами билан медицина ердами кўрсатади, аммо беморларни мунтазам равишда даволамайди, касаллик варақалари очмайди. Рецептлар ёзиб берилади, суд-медицина ва эксперт ҳулосалари, беморлар ёки уларнинг ота-оналарига ёзма справкалар берилади.

Жабр қўлган киши ёки беморни касалхонага қўзатиб бориш учун бригаданинг жавобгар медицина ходимининг иштироғида кўра қариндош ёки танишлардан бирига рухсат этилади.

Тез ердам бригадаси хизмат кўрсатган ва у касалхонага элтиб қўйган бемор ва жабр қўлган киши ҳақидаги маълумотларни аҳоли бутун сутка мобайнида қўйиладиган телефонлар орқали станциянинг справкалар бўлимидан олиши мумкин: 32-73-30, 32-73-64.

Катталар ва болалар учун поликлиникалар ҳар кунни регистратура соат 7.30 дан бошлаб ишлайди; қабул соат 8.00 дан 21.00 гача, қабул қилинган соат 8.00 дан бошлаб ишлайди, қабул қилинган соат 9.00 дан бошлаб 18.00 гача қабул қилинади.

Якшанба ва байрам кунлари соат 9 дан 18.00 гача навбатчи врач-терапевтлар, педиатрлар ва процедура медицина ҳамширалари ишда бўлишади.

Тез ва шошилинч медицина ердамини қабул қилиш бўйича барча масалалар юзасидан бутун сутка мобайнида қўйиладиган телефонлар орқали навбатчи катта врачга мурожаат этиш лозим: 32-73-38, 32-73-69.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

56-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қўйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

иш йиғирувчилар, тикувчилар, калава ўривчилар, иш йиғирувчилар, тикув ва йиғирув машиналари бўйича мастер ердамчилар, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, бўёқчилар.

Ўқиниш муддати 1 йил ва 3 йил.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли 15 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар, Совет Армияси сафида хизмат муддатини тугатган ёшлар қабул қилинади.

Ўқиниш 3 йиллик муддатга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал овқат ва иш кийими билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади ва корхона қўшмача 40 сўм тўлайди. Областан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиниш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиниш аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртиларига кириш бўйича давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида пуллик автомобиль ҳайдаш курслари мавжуд.

Билим юртида спорт базаси ва ҳар хил тўғараклар ишлайди.

Ўқиниш гуруҳлар комплекташдан кейин бошланади.

Ўқиниш кириш учун қўйидаги ҳужжатлар керак: тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 донга 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, ариза, таржимаи ҳол.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлик массиви, 5 «б» (37а, 45-автобуслар; 26-трамвай; 11, 30-маршрутли таксининг «Қўйлик» — 5«б» бекати).

«ЕШЛИК» МАДАНИЙ СПОРТ КОМПЛЕКСИ 17, 19, 20, 21 сентябрь соат 19.30 да

ДАМ ОЛИШ ИШҚИБОЗЛАРИНИ РАҚС ОҚШОМЛАРИГА ЧОРЛАЙДИ

Программа бўйича етук дискотекалар, замонавий рақс гуруҳлари ўз маҳоратини намойиш қилади, либослар моделлари кўрсатилади, видео-концертлар томоша қилинади.

ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА БУФЕТЛАР ИШЛАЙДИ.

Билетлар «ПАХТАКОР» марказий стадиони ва «ЕШЛИК» маданий спорт комплекси кассаларида сотилмоқда.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА СССР биринчилиги учун

ХОККЕЙ

16 сентябрда «БИНОК» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Тольятти).

19-20 сентябрда «БИНОК» (Тошкент) — «ДИЗЕЛИСТ» (Пенза).

16, 19 сентябрда матчлар соат 18.30 да 20 сентябрда 17.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 — администратор; 46-03-12, 46-70-31 касса.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ Ёшларнинг олий ўқув юртиларига кириш учун тайёрлайдиган МАРКАЗИЙ КУРСЛАР 1986-1987 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА КИРУВЧИЛАР ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛИШЛАРИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТИДА ПРОПИСКАЛАРГА ТУРИШЛАРИ ШАРТ.

Тайёрлов курсларига кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни тоширади: ректор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 2 донга фотосурат.

МАШГУЛОТЛАР математика, физика, тарих, жамиятшунослик, она тили ва адабиёт, химия, биология, чет тилларидан — ҲАФТАСИГА ҲАМ ҲАМ (якшанбадан ташқари) соат 19.00 дан университет биносидан (Студентлар шаҳарчаси) олиб борилади.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар кун соат 10 дан 14.00 гача ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими математика факультетининг 5-қават, 501-хонасида қабул қилинади.

Ҳужжатлар олиш учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77 — администратор; 46-03-12, 46-70-31 касса.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъминланади. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар ҳўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-58-95, 32-55-32; хатлар — 32-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Р—08365. Газета якшанбадан ташқари ҳар кун, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б—2085. Индекс 64690. 12345678910.